Ушбу сонда:
2 Фахрия «МЕН ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН»
3 ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ, МАЖБУРИЯТИНГИЗНИЧИ?
4 ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО ҲАҚИДА СЎЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 3 август, сешанба № 105 (752)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ҳар қайси жамият аъзоси ўз инсоний ҳуқуқларини, ўз имкониятларини тўла англаб олиб, ўзини мамлакатнинг ҳақиқий фуқароси деб ҳис қилган ва бугун қураётган жамиятимиз ҳаётида фаол қатнашиб, ўз Ватанидан, ўз заминидан, ўз тарихи ва халқидан фахрланиш туйғусига эга бўлган тақдирдагина ўз муродимизга етамиз.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида истеъмол товарлари билан чакана савдо қилувчи ва хизматлар кўрсатувчи жисмоний шахслар фаолиятини тартибга солиш, шунингдек, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Отчопар буюм бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг иш тажрибаси Ўзбекистон Республикасининг бошқа чакана бозорларига ҳам татбиқ этилсин.

2. Белгилансинки, 1999 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳрида ва 1 октябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жисмоний шахслар юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти тартибида истеъмол товарлари сотиш ва хизматлар кўрсатиш учун чакана бозорлар, савдо марказлари ва савдо комплекслари ҳудудига тадбиркорда туман /шаҳар/ ҳокимлиги томонидан берилган ҳамда даромаддан олинадиган солиқ тўланганлиги тўғрисида солиқ инспекциясининг белгиси қўйилган гувоҳнома мавжуд бўлган ҳолдагина қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чакана бозорлар, савдо марказлари ва савдо комплексларида /кейинги ўринларда бозорлар деб аталади/ жисмоний шахслар томонидан чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш тартиби тасдиқлансин.

Ушбу Тартиб деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчи жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди.

4. Белгилансинки:

бозорлар ҳудудида истеъмол товарлари билан чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олган ва юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш дафтарини юритишдан озод қилинадилар ва мазкур қарор билан белгиланган тартибга мувофиқ қайд этилган ставка бўйича солиқ тўлайдилар;

бозорлар ҳудудида истеъмол товарлари билан чакана савдо қилаётган жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқнинг қайд қилинган ставкаси озиқ-овқат товарлари учун - ойига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ўттиз бараваригачани, ноозиқ-овқат товарлари учун - ойига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан йигирма бараваригачани ва хизматлар кўрсатувчилар учун - ойига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ўн бараваригачани ташкил этади. Бир жисмоний шахс бир вақтнинг ўзида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилган тақдирда солиқ озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш учун белгиланган миқдордан келиб чиқиб белгиланади;

бозорларда жой бериш, савдо жойи ижарага олинганлиги учун тўлов ундириш ва савдо жойи ижарага олинганлиги учун талонлар бериш чакана бозорлар дирекциялари томонидан фақат чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ва ундаги даромаддан олинадиган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи солиқ органларининг белгиси асосида амалга оширилади. Чакана бозорлар раҳбарлари мазкур талаб бажарилишини таъминлаш учун шахсан жавоб берадилар;

бозорларда чакана савдо фаолиятини амалга оширишни ва хизматлар кўрсатишни хоҳловчи жисмоний шахслар тегишли солиқларни ва савдо жойи учун ижара ҳақини камида бир ой муддатга олдиндан тўлашлари керак;

чакана бозорлар фақат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда ташкил этилади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий молия ва солиқ органлари билан биргаликда:

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини олган жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқнинг қайд қилинган ставкалари миқдорларини ҳар бир аниқ чакана бозорда улар жойлашган жойни ва савдо оборотига таъсир қилувчи бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур қарор билан белгиланган кўрсаткичлар доирасида ҳар йили белгиласинлар;

янги тартиб жорий этилгунга қадар чакана бозорлар ҳудудида савдо фаолиятини амалга оширишни хоҳловчи жисмоний шахслар ўртасида зарур тайёргарлик ва тушунтириш ишларини ташкил этсинлар ва ўтказсинлар;

заруриятга кўра умумий фойдаланишдаги турғун савдо павильонлари принципи бўйича озиқ-овқат товарларини сотишга ихтисослаштирилган озиқ-овқат бозорлари ва савдо марказлари ташкил этсинлар, уларда товарларни жойлаштириш учун улгуржи базалар, мева-сабзавот комбинатлари, бозорлар ва бошқа мавжуд иншоотларнинг бўш турган майдонлари ва қувватларидан фойдаланган ҳолда товарларни сотиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратсинлар.

6. Якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларни ва чакана бозорлар ҳудудида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларга чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни ўз вақтида тайёрлаш ва беришни таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси чакана бозорлар ҳудудида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслардан бюджетга солиқлар ўз вақтида тушиши устидан самарали назоратни таъминлашнинг таъсирчан чора-тадбирларини кўрсин.

8. Вазирликлар ва идоралар ўз меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари М.Усмонов ва Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 2 август



Шу сонга хабар

УЙ БЕКАЛАРИ МАМНУН

Қарши туманидаги олис Туябўйин қишлоғига газ келди. Бу қулайлик уй бекаларини айниқса мумнун этди. Энди улар ўтин ахтариш, йиғиш ва ўчоқ ёқиш ташвишидан қутилдилар.

Қишлоқни газлаштириш Ю.Хушвақтов номли хўжалик молиявий кўмагида амалга оширилди.

Бу мустақиллигимиз 8 йиллиги олдидан муносиб совғадир.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизга ушбу мактуб орқали Бахмал туманида яшовчи қирғиз миллатига мансуб фуқароларнинг самимий саломи ва энг яхши тилакларини йўлламоқдамиз.

Туманимизда ўн миллат вакиллари истиқомат қилади. Бу ердаги қарийб юз минг кишилик аҳолининг етти минг нафари қирғизлардир.

Бизнинг ота-боболаримизнинг киндик қони ана шу азиз тупроққа тўкилган, қанчадан-қанча улуғларимизнинг ҳоки пойи унинг табаррук бағрида ётибди, нури дийдаларимиз шу масканда униб-улғаймоқда.

Қадрли Президентимиз Ислом ака!

Бахмалда ўзбек билан қирғизни, уларнинг хонадони ва турмуш шароитини бир-биридан сира айри тасаввур қилиб бўлмайди: қишлоқларимизнинг чегараси йўқ. Уйларимизнинг деворлари ҳам худди қалб ва мақсадларимиз сингари бир-бирига туташиб кетган. Тўй ва маъракаларимиз ҳамкорликда ўтказилади. Чин дўст, ака ука, опа-сингил, қадимдан қуда-андамиз. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар рўёбини тўла таъминлашга ҳисса қўшиш учун қўлни қўлга бериб меҳнат қиляпмиз.

Ўзбекистон аталмиш қудратли мамлакатнинг фуқароси сифатида яшаш ва ишлаш бизни ғурур ва ифтихорга тўлдиради. Ўғилларимиз ана шу жонажон Ватан сарҳадларини қўриқлаб турганликларидан ҳақли равишда фахрланадилар.

Ўзбекистоннинг яна бир буюклиги - унда миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлиги Қомусий ҳамда амалий таъминланганидир.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг Сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз ва ҳукуматимиз раҳбариятининг катта эътибори туфайли чекка жойлардаги қирғиз қишлоқларида ҳам замонавий мактаблар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари қуриб берилди ва яна бунёд этилмоқда. Тоғ қуйисида жойлашган Музбулоқ аҳоли манзилида яқинда қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Бу даволаш муассасасининг қуриб берилиши Музбулоқ, Жиллибулоқ, Олдашмон, Зартепа, Сўпи, Оқмала ва Бойқўғир аҳоли манзилларида яшовчиларни 30-35 километр масофа босиб хўжалик марказидаги, 70-75 километр йўл юриб туман марказидаги касалхоналарга сарсон бўлишдан халос этди.

Бунинг учун, бундай эзгу бунёдкорлик ишларингиз учун Сиздан миннатдормиз.

Биз Сизга ишонамиз ва Сизни қўллаб-қувватлаймиз!

Турғунбой ТЎРАЕВ-1-гуруҳ уруш ногирони, Музбулоқ жомъе масжиди имом-хатиби
Шафоат НУРМАНОВ-меҳнат фахрийси
Ирисбой СОИПОВ-Бахмал қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
Фотима МУСАЕВА -96 ёшли пенсионер
Ирисбой АБСАЛОМОВ - «Ғалла» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Бахмал тоғ бўлими илмий ходими
Амир САФАРОВ-Музбулоқ қишлоқ врачлик пункти мудири.

Тожикистондан хат

КЎНГЛИМИЗ ТОҒДЕК КЎТАРИЛДИ

Тожикистон Республикаси Ленинобод вилоятининг Айний ва Ашт туманларида шу йилнинг июль ойида рўй берган кучли жала ёғиши натижасида кўплаб уй-жойлар вайрон бўлди. Йўл ва бошқа коммуникация воситалари ишдан чиқди. Аҳоли ўртасида қурбонлар бўлди.

Халқимиз бошига тушган мусибатли кунларда Ўзбекистон биринчи бўлиб инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Бу қондош, жондош, Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда, «икки тилда сўзлашадиган битта халқ»нинг дўстлик ришталари мустаҳкамлигининг далилидир. Ҳақиқий дўст бошга кулфат тушганда билинади, деган нақл тўғрилиги яна бир бор исботланди. Кўрсатилган мурувватдан азият чеккан Тожикистон халқининг кўнгли тоғдай кўтарилди. Ўзим ва бутун тожик халқи номидан Ўзбекистон раҳбариятига ташаккур изҳор этаман. Ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги янада мустаҳкамланишига ишончим комил.

Гулчехра МАРКАЕВА, Ўратепа шаҳри.

«САЙХУН» УЗРА УЛКАН КЎПРИК

Қорақалпоқ халқининг эзгу орзуси рўёбга чиқяпти. Мустақиллик шарофати билан Нукус ва Хўжайли шаҳарларини бир-бирига боғловчи Амударё устига қурилаётган кўприк битай деб қолди. Қадимда «Жайхун» деб ном олган бу асов дарё узра бунёд этилаётган 330 метрли кўприкнинг юзлаб устунлари, темир-бетон конструкциялари, ҳар бири 33 метрли алоҳида қисмларга бўлинувчи балкалари йиғилиб бўлинди.

- Мустақилликнинг саккиз йиллиги арафасида ишга тушадиган Амударёнинг қуйи қисмидаги бу ноёб иншоот аҳоли узоғини яқин қилади, - дейди «Қорақалпоқавтойўл» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси бошқарувчиси Х.Давлатёров. - Шу вақтга қадар Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукусдан саноати ривожланган Хўжайли шаҳрига бориш учун 30 километр йўл босиб ўтиларди. Эндиликда бу йўл ўн баробардан зиёд қисқаради.

Айни вақтда бирлашмамизга қарашли қурилиш бошқармалари жамоалари Устюртда барпо этилаётган 330 километрли асфальт йўлни ҳам фойдаланишга топшириш арафасида. Қозоғистоннинг Бейнав шаҳридан бизнинг чегарага қадар 90 километрли асфальт йўлни эса Қозоғистон йўлсозлари қураяпти. Бу трассада йўл ҳаракатлари мунтазам равишда бошлаб юборилгач, Буюк ипак йўлининг ана шу қисми Россия ва Европадан келаётган ва у мамлакатларга қатнайдиган автотранспорт билан гавжум бўлади.

(ЎзА)

ЎЗ НИЯТИМИЗДА СОБИТМИЗ

1. Мустақиллик деганда, Эркинлик, Озодлик қадрига етиш керак, деганда нимани тушунасиз?

2. Ўтган саккиз йил давомида шахсий ҳаётингиз, ишингиз, оилангиз, сиз яшаётган жойда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз? Ватанимиз истиқболи, фарзандларингиз келажагини қандай тасаввур этасиз? Улар тақдирини ўйлаганда кўнглингиздан нималар кечади? Зиммангиздаги бу борадаги вазифа ва масъулиятни қандай англайсиз?

3. Ватанпарварлик ва миллий ғурур - бу сизни нималарга даъват этади?

Саволларга Учқўрғон туманидаги «Курама» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мавлуда Абдураззокова жавоб беради:

1. ...Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,
Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.

Ҳазрат Навоийнинг муборак қаламига мансуб бу битик, ўйлайманки, Мустақиллик ва озодлик тушунчаларини янада теранроқ англашимиз учун ҳали кўп йиллар хизмат қилажак. Чунки «олтин қафас» нелигини айниқса, «қудратли» шўро давлатида яшаган бизлар яхши биламиз. Бир қаралса ер куррасининг олтидан бир қисми бизники - сеники ва меники бўлган бўлса-да, амалда яшаб турганимиз уй ҳам омонат эди, тўғрироғи, умумхалқ мулки эди.

Ўзбеклигимизни, Ўзбекистон деган жаннатмакон маъводан эканлигимизни энди-энди поёнига қадар англамоқдамиз.

Бугун ҳақиқатан ҳам эркин қушмиз. Дунёнинг исталган бурчагига ортиқча қоғозбозликлару сунъий тўсиқларсиз хоҳлаган пайт - йилнинг тўрт фаслида бора оламиз. Қафаслар бузиб ташланган, эшиклар очиқ. Ана шу бахтни орзу қилиб, унга ета олмаган аждодларимиз учун ҳам яшайдиган палла келди. Уларнинг эркинликка талпинган руҳи-поклари ҳақи бу кунларнинг қадрига етмоғимиз керак.

2. Энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг асосий негизи-маънавий дунёмизда ўзгариш юз берди. Бозор муносабатлари гарчанд, бир мунча қийинчиликларга сабаб бўлган бўлса-да, мустаҳкам ижтимоий ҳимоя ҳар бир шаҳар ва қишлоқ, ҳар бир маҳалла ва оилага мададкор бўлди. Айниқса, ичимлик суви билан таъминлаш ва газлаштиришга эътибор кучайди. Натижада бу масалалар асосан ечимини топиб, ундан-да муҳимроқ муаммолар устида бош қотириш учун имконият туғилмоқда. Ватанимиз равнақ топган сари фарзандларимизнинг истиқболи янада порлоқ бўлиб бормоқда. Ва аксинча. Фарзандларимиз ишбилармонроқ ва билимдонроқ бўлгани сайин она юртимиз узра саодат қуёши янада чароғон порламоқда.

Ўзим маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиш билан бир қаторда «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида пилла бригадаси етакчисиман. Бу йил ҳар қути уруғдан 64 килограммдан қимматбаҳо хом ашё олдик. Турмуш ўртоғим ҳам хўжалик аъзоси. Икки ўғлим, бир қизим бор. Уларнинг бахтини кўриш - орзуим. Барака топишсин, ёнимизга кириб қолишган. Нафақат уй-ў з ғ о р ю м у ш л а р и д а, яхши ният билан қурганимиз уйдаги иссиқхона ишларида ҳам уларнинг мададига суянамиз. Кўчат, қулупнай етиштирамиз.

Ишқилиб, меҳнат қилган роҳат кўрадиган замонлар келди. Ана шу туйғуни фарзандларимиз онгига сингдириш бугун ҳар биримизнинг бурчимизга айланмоғи даркор. Чунки мамлакатимизнинг эртанги тақдири уларнинг қўлида. Бу эса ўз навбатида бизнинг саъй-ҳаракатларимизга ҳам боғлиқ.

3. Эртанги кунимиз қандай бўлади? Онгли ҳар бир киши албатта ўз-ўзига шу саволни бермай иложи йўқ. Негаки, бугун қилаётган ишлари самарасидан эртага кимлар ва қай тахлитда фойдаланади, деган савол минг йилларки инсониятни ўйлантириб келади. Ватанни кўз қорачиғидек асраш, унга муҳаббатли бўлиш билан миллат шаъни ва миллий ғурур ўртасида ўзаро боғлиқлик борки, бунинг исботини бугун ҳар биримиз ўз ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Орзу-умидларимиз кенг кўламли. Бежизга буюкликка интилаётганимиз йўқ. Нисбатан қисқа фурсат - истиқлолга эришганимиздан буён ўтган саккиз йиллик ютуқларимиз ҳам биз ўз ниятларимизда собит эканлигимизни тасдиқламоқда.

З.РИХСИЕВ оққа кўчирди.

Шукрона

Амударё туманидаги «Наврўз» ҳиссадорлик жамияти дастлабки юз бош куркани гўштга топширди. Уларнинг айримлари 18 килограмм тош босди. Бунга Исроилнинг «МАД» фирмасидан келтирилган

ИСРОИЛ ТЕХНОЛОГИЯСИ ҚЎЛ КЕЛДИ

икки мингта куркани шу мамлакат технологияси асосида парваришлаш натижасида эришилди. Амударёлик ҳиссадорлар мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги байрамида эл дастурхонига 18 тонна парҳез гўшт етказиб бериш ниятидалар.

Фахрия

Бугуннинг қадрига етиш, келажакка ишонч кўзлари билан дадил боқиш учун ҳам, албатта, кечаги кунга, якин ўтмишга бир назар ташлаш керак. Зеро, мухтарам Президентимиз «Тарихсиз келажак йўқ» деб бежиз таъкидламаганлар.

«МЕН ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН!»

Бир эслаб кўринг-а: бир вақтлар совет паспортини кўз-кўз қилиб кўтариб юрардик. Ўқувчилик йилларимизда эса В.Маяковскийнинг «Совет паспорти» шеърини қироат билан ўқишни, ёд олишни канда қилмасдик. Буларнинг ҳаммаси бизда, айниқса, ёшлар онгида «Советлар иттифоқи» деган номи улуғ, аммо ич-ичидан зил кетган, кун сайин чириб бораётган давлатга нисбатан сохта ифтихор туйғуларини куртаклантириш учун қилинарди.

Тан олиш керакки, тоталитар тузум мафкурасига хизмат қилган айрим одамлар бу чиркин мақсадларига бир қадар эришдилар ҳам. Аммо бошқа бир нарсани эътибордан соқит қилмаслик керак. Бу уринишлар, бу ҳаракатларнинг замини пуч, умри узоқ эмаслиги аён эди. Чунки онги, шуури баркамол инсонлар ноиложликдан мустабид тузумга хизмат қилсаларда, дилида ВАТАН, ЭРК, ОЗОДЛИК каби муқаддас туйғуларни улғайтирар, дину диёнат, иймон-эътиқодига хиёнат қилмасдилар.

Энг муҳими, улар бир кунмас-бир кун киндик қони томган муқаддас тупроқнинг, камситилган, ҳар томондан чекланган она тилининг, ёт мафкура исканжасида йўқолиб бораётган миллий қадриятларнинг барча кишанлардан озод бўлишига умид қилишарди. Шундай кун келишига юрак-юрагидан ишонган, унга тезроқ эришиш истагида ёнган инсон борки, ўзини жисман ва руҳан ана шу янги ҳаётга тайёрларди.

Яратганга беадад шукурлар бўлсинки, шундай ёруғ кунлар келди. «Мустақиллик ишқи билан ёнган далалар» (Ҳамид Олимжон) ҳам, кечагина сохта ғурур ва ифтихорга ғарқ бўлган сатрларни ёд олиб юрган болалар ҳам, ёшу қари, эркагу аёл - барча-барчанинг бўғиқ ва биқиқ ҳаводан диққинафас бўлган кўксига истиқлол шабадаси тегди. Асрий мутеликдан эгилган бошлар узра ҳуррият қуёши порлади. Эркинликни, озодликни дилдилдан ҳис қилган юраклар энди чиндан фахрланиш, ҳақиқий маънода ифтихор қилиш имконига эга бўлдилар!

Агар йўлингиз тушиб республикамиздаги истаган ички ишлар бўлимига кирсангиз, қўлидаги мустақил Ўзбекистон Республикаси паспортига қувончдан порлаган кўзлари ила нигоҳ ташлаётган, вужудида мавжланиб турган фахру ифтихор ҳиссидан диллари завққа тўлган одамларни, ёшларни учратишингиз табиий. Улар фуқаролик паспортидаги ҳар бир ёзувни энтикиб ўқишади, мустақил юртимиз гербига ҳавасу ҳурмат билан боқишади.

Янги паспортга эга бўлиш бахтига эришишда, юракларда қувончу шодлик ҳисларининг тўлиб-тошишида фуқаролик бўлимлари ходимларининг ўзига хос улушлари бор.

«Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент Фармони ва «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишни тартибга солиш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида иш олиб бораётган Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ички ишлар бўлимининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлими ходимларининг шу кунларда, айниқса, ишлари тиғиз. Чунки 1995 йил январидан бошланган фуқароларга янги паспортларни бериш ва алмаштириш жараёни жорий йилнинг адоғида тугалланиши керак. Шунинг учун ҳам аҳолига намунали хизмат кўрсатиш ва шароит яратиб бериш мақсадида бўлимда янги тартибда иш олиб борилмоқда.

Бўлим бошлиғи Абдували Адашев раҳбарлигида меҳнат қилаётган Раъно Алимова, Резида Мақсудова, Усмон Элмуродов, Жамила Мусаева, Заҳро Саидахметова каби ходимлар фуқароларга янги паспорт бериш ва алмаштириш жараёнини 1 сентябрда - Мустақиллик кунида тугатишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган.

Қ.ТЕМИРОВ.

Суратларда: 1. Собир Раҳимов тумани ички ишлар бўлимининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлимининг бошлиғи Абдували Адашев бахтиёр ёшларга мустақил Ўзбекистон паспортини топширмоқда.

2. Бўлим ходимлари кундалик ишларни режалаштиришмоқда.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 8 йиллиги олдидан

«Пахта иши» жабрдийдалари

Собиқ иттифоқ даврида халқимизни, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросини ўтмишидан, маданиятидан, она тилидан мосуво қилишга ҳаракат қилишди. Очиғи, анчайин бунинг маъно-мақсадига тушунмай яшадик. Кейинчалик қизил империя ярамас сиёсатининг, зўравонликларининг кирдикорлари фош бўлди. Билдикки, бизни мутеликка маҳкум қилиб, ғуруримизни, ўзлигимизни йўқ қилиш, оқибат-натижада энг арзон пахта хом ашёси етказиб берадиган итоатгўй, меҳнатдан бошқасини билмайдиган, ҳаққини суриштирмайдиган инсонларга, мамлакатга эга бўлиш эди. Ўша даврларда миллатни миллат қилиб ҳар томонлама юксалди. Бироқ режалар ортиғи билан бажарилса-да, даромаднинг тайини йўқ эди. Шиорбозлик, йиғимтерим мавсумидаги дабдабабозлик деҳқоннинг бошини айлантириб қўйганди. 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида қишлоқларда деярли ўзгариш бўлмади. Не-не умри азизлар учун газ, сув орзулигича қолди. Миришкор, боғбону соҳибкорнинг дарди ичида эди.

Бу ҳам ҳолва экан. 1983 йилдан бошлаб собиқ КПСС марказий қўмитаси раҳбарлигида Ўзбекистонда навбатдаги ошкора қатағонга қўл урилди. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши», «Шарқий фронт» деб аталган машъум сиёсат ниқоби остида Москва юборган зўравонлар томонидан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган номаъқулгарчиликлар амалга оширилди. Энг ёмони, 70 йил қишин-ёзин демай ерни эъзозлаб пахта етиштирган оддий деҳқон, бригада бошлиғини истаганча хўрлаб, зуғум ўтказдилар. Ҳамма саросимада эди. Халқнинг ёнини оладиган бирон мард топилмасди. Кутилмаганда раис Ҳомитжон Худойқулов ва бош ҳисобчи Камолжон Омонов ҳам қамоққа олиндилар. Уларни уч ой қийноққа солиб, тергов қилишди. Тузукроқ камчилик топиша олмагач, вақтинчалик озодликка чиқардилар. Кўп ўтмай яна қайта тергов, текшир-текшир бошланди.

80 ёшли Мансуржон ота хўжаликни ағдар-тўнтар қилаётган кимсаларга қарата шундай деганди:

- Бошқалар қатори бош ҳисобчи Камолжон Омоновни ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳалол инсон. Кўпнинг бир сўмига хиёнат қилмайди. Бу оққўнгил, яхши мутахассисни бекорга қийнаяпсизлар. Инсофга келинг, ақл билан иш юритинг, акс ҳолда кўпнинг қарғишига учрайсиз.

Десантчиларга гап уқтириб бўлмасди. Раис ва бош ҳисобчидан камчилик топиша олмаганлиги уларни янада қутуртирди. Ёвузлар бригада бошлиқлари Ғ.Темиров ҳамда О.Исмоилов (марҳум)ларни қўшни Хўжаобод тумани ички ишлар бўлимига чақириб обдон дўқ-пўписа қилишди. Айтган ишни қилмасангиз умрингизни турмада чиритамиз, дея қўрқитишди. Қолган «рўйхат»даги кишилар ҳам шу ерга чақиртирилиб нотўғри кўрсатма беришга мажбур қилиндилар.

1986 йилнинг ёзида раис ва бош ҳисобчи устидан суд бўлиб ўтди. Камолжон аканинг тўққиз фарзанди бўзлаб қолди. Одамлар дарғазаб. Нималар бўлаётганлигидан, бу ноҳақликлар, ҳалол кишилар устидан бўлаётган адолатсизликлар қачонгача давом этади? Бунга ҳеч ким жавоб бера олмасди.

Қишлоқ аҳли ташвишланганича бор эди. Камолжон Омонов ҳисобчи, чорва бухгалтери, раис муовини вазифаларида омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлади. Бирон маротаба таъна-дашном эшитмади, аксинча эл эъзозига сазовор бўлди.

- Ҳақиқат барибир тантана қилади, бизга нисбатан адолатсизлик қилинди. Зўравонлар ҳали муносиб равишда жазоланадилар. Албатта она қишлоғимизга ёруғ юз билан қайтамиз, - деганди бош ҳисобчи унинг қўлини орқасига қилиб олиб кетишаётганда.

Ўзбек халқи бахтига қора булутлар тарқаб, қуёш нурлари оламни мунаввар айлади. Халқимиз бахти, фахри бўлмиш Ислом Каримов Фармони олий эълон қилиб «Пахта иши» жабрдийдаларини ёруғликка олиб чиқди. Улар қадрдон гўшаларига бамисоли онадан янги туғилгандек бўлиб қайтдилар.

Камолжон ака ўз халқига, севимли Президентимизга миннатдорчилигини ҳалол меҳнати, ташаббускорлиги билан изҳор қилишга аҳд қилди. Деҳқонлар ҳам уни қучоқ очиб кутиб олдилар. Учинчи куниёқ К.Омонов хўжаликда бош иқтисодчи ўринбосари вазифасида иш бошлади. Бир йил ўтгач, аввалги вазифасига тикланди. Мустақиллик қишлоқ кишиларига қанот бағишлади. Уларда миллий ғурур, ўз еридан, касб коридан фахрланиш туйғуси жўш урди. Энди пешона тери эвазига етиштирадиган оқ олтинлари мустақил Ўзбекистон, қолаверса, ўзларининг корига ярашини қалбдан ҳис қилдилар. Даларда меҳр қўшиғи баралла янгради.

1995 йил кузида туман ҳокимлиги тавсиясига кўра моҳир ташкилотчи, тажрибали мутахассис Камолжон Омонов бошқарув раиси этиб сайланди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, шўро тузумининг жабрини кўрган раис ўзга куч, ғайрат-шижоат билан ишга киришди. Бозор шароитида меҳнатчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор берди. Пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик, пилла-чиликни ривожлантирди. Жорий йилда бу ерда давлатга дон, пилла топшириш режалари ортиғи билан адо этилди. 606 гектар ердаги ғўзалар ҳам серҳосил бўлиб ўсмоқда.

Соҳибкорларнинг эътироф этишларича, туман бўйича фақат шу хўжаликда ишловчиларнинг тўрт сотиҳдан саккиз сотиҳгача қўшимча томорқалари бор. Одамлар бу ерларда буғдой, картошка, сабзи, пиёз ва бошқа неъматлар етиштириб мўмай даромад эгаси бўлишмоқда. Раис оиласи ҳам деҳқончилик қилиб, чорва асраб эл дастурхонига сархил неъматлар етказиб беришда намуна бўлмоқда.

- Мустақиллик халқимнинг иззат-обрўсини, қадр-қимматини ўз жойига қўйди. Инсондек яшаш, меҳнат қилиш имконини яратди. Истиқлолни кўз қорачиғидек асраймиз, керак бўлса, унинг учун жонимизни беришга тайёрмиз, - дейди Камолжон Омонов.

Н. ШУКУРОВ.

ИСТИҚЛОЛ ҚАДР-ҚИММАТИМИЗНИ ЎРНИГА ҚЎЙДИ

ЧЎЛДАГИ МЎЪЖИЗА

Жиззах вилоят 3-физиотерапия шифохонаси Мирзачўл тумани марказида жойлашган. Унда асосан ошқозон-ичак, жигар-ўт, бўғин, асаб ва буйрак, аёллар касалликлари билан оғриган беморлар даволанадилар.

1977 йил ташкил топган шифо масканида даволанган кишилар сони кўпайган сайин унинг доврўғи ҳам орта борди. Шифо истаб келувчилар тобора кўпайди. Агар 1977 йилда шифохонада 670 киши даволанган бўлса, бу рақам 1978 йилда 1070 нафарга етди.

Шифохона маъмурияти натижалардан мамнун эди. Улар шунга қараб, даволаш сифатини янада яхшилашга, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари келтиришга эътибор бера бошлади. Дастлаб тумандан унча узоқ бўлмаган «Балиқчи» қўлидан шифобахш балчиқ келтирилди. Паст ва юқори частотали электр аппаратлари, қон томирларини меъёрлаштирувчи ускуна, лазер ва шўъла узатгичлар сотиб олинди. Парафин, озакерит, уқалаш ва игна билан даволаш муолажалари ташкил этилди.

— Тўла маънодаги шифо учун юқорида саналган тиббий асбоб-ускуналар, сув ва балчиқ кифоя қилмайди, - дейди бош ҳаким Х. Темиров. - Сиҳатгоҳ атрофи хушҳаво, тоза бўлиши ҳам шарт. Шунинг учун шифо масканимиз ён-атрофида 10 гектар мевали боғ, 4 гектар манзарали дарахтзор ва гулзор яратдик. Мўъжазгина томорқамизда ошқўкларни ўзимиз етиштирамиз.

Эндиликда муолажалар самарадорлиги устига шифо масканининг хушманзаралиги ҳам чўлқуварлар эътиборини торта бошлади. Бу ерда даволанувчилар сони тобора ортиб, йилига 1800-2000 кишига етди. Яқинда шифохона жамоаси ўзларининг ҳисоб жаридаларига 27 мингинчи беморни даволаб,кузатганларини ёзиб қўйдилар.

Тўғри, бозор иқтисодиёти қийинчиликлари мазкур шифо масканида ҳам акс этмай қолмаяпти. Бироқ, вилоят ва туман ҳокимликлари жамоага бу қийинчиликларни енгиб, ўз фаолиятларини сусайтирмасликда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ўтган йили вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан маҳаллий бюджетдан 500 минг сўм ўтказилиб, сиҳатгоҳда 120 нафар ўқитувчи даволанди. Шифохонага янги тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

Туман ҳокимлиги ва «Нуроний» жамғармаси раҳбарлари ҳам шундай саъй-ҳаракат кўрсатиб, бу йил муолажага муҳтож, лекин иқтисодий ночор кишилардан 22 нафарининг олқишини олдилар. Бироқ, шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бултур 25 ноябр куни ўзининг 540-қарорини чиқариб, шаҳар ва туманлар марказий касалхоналарига юборган эди. Унда ҳар бир шаҳар ва туман шифохонаси ҳисобида турувчи, даволашда имтиёзларга эга бўлган беморларни маҳаллий бюджет ҳисобидан санаторий-профилакторийларга юборишлари айтилган эди. Таажжубки, мазкур қарор чиққандан буён ярим йил ўтиб кетганига қарамай, Жиззах вилояти ва туманлар марказий шифохоналари йўлланмаси билан бирор нафар ҳам бемор келмади. Ваҳоланки, ана шу қарорни бажаришнинг амалий йўриқлари ҳақида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳам буйруқ чиқарган эди.

Сиҳатгоҳнинг «Эсдаликлар ва таассуротлар» китобини кўздан кечираркансиз, собиқ беморлар ёзиб қолдирган миннатдорчилик хатларини ўқиб, улар билан бирга шодланасиз. Мана улардан бири:«Кўп йиллик бўғин-мушак оғриғидан халос бўлдим. Шифокорлар Райҳоной Бекжонова, Еркин Ермеков, Жамила Шарипова, Анор Унголбоеваларнинг шифобахш қўллари дард кўрмасин». Галлаорол туман «Истиқбол» хўжалиги ишчиси Мўминжон Эрматов.

Дўстлик туманидан келиб даволанган ўқитувчи Дилбар Хидирова шундай ёзади: «Ошқозон ва жигар оғриғидан халос бўлдим. Шифосига ҳам, шифокорларига ҳам балли».

Ҳа, чўлқуварлар сиҳатгоҳи шундай хосиятли жой. Чўлқуварларнинг таъбирлари билан айтганда, у Хизр назари билан чўлнинг қоқ марказида пайдо бўлган мўъжиза.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.
«Ишонч» мухбири.

Улар ҳамиша ардоқда!

ОНА ИЛТИЖОСИ ИЖОБАТИ

... Қадим Синд дарёсининг тик соҳили. Пастда - тубсиз жар, асос дарё ўз йўлидаги бор нарсани ўпконига тортгудек ўкириб оқмоқда. Боскинчи мўғулларга қақшаткич зарбалар берган Жалолиддин Мангуберди устига ёпирилиб келаётган душман лашкари куршовидан шердек юлкиниб чиқиб, онасининг чодирига жадал кириб келди. Волидаи мухтарамаси пойига тиз чўкиб, унинг муборак этагидан ўпди. Замон машаққатларидан кадди дол бўлаёзган, бироқ шарқ аёлларига хос таровот ва мушфиклик, бир оз ичига ботган кора кўзларида донолик, вазминлик, чексиз меҳр акс этиб турган онасининг чеҳрасига - иродангиз, азму қарорингиз надир, дегандек нигоҳ ташлади.

Вазият ўта қалтис эканлигини англаган она вазмин сўз бошлади:

- Бу шўришликларнинг барчаси - Оллоҳнинг иродаси. Бир вақтлар дунёнинг ярмини эгаллаган шоҳларимиз салтанати бирлик, аҳиллик, ҳушёрлик унутилгани боис чуқур таназзулга юз тутди. Бепоён юртимиз ёғий отлари оёғи остида топталди, мол-мулк талон-торож қилинди, шаҳар ва қишлоқларга ўт қўйилди. Етим-есирларнинг оҳи-ноласи кўкка ўрламоқда. Мана энди душманнинг қонли панжаси сиз билан менинг бўғзимизга чўзилмоқда. Аҳдим қатъий - душманга таслим бўлмасмен. Ёвга ёлтоқланишни наслу насабим, номусу оримга, аёллик шаънига ҳақорат деб билурмен. Дейдиларку, тиз чўкиб яшагандан, тик туриб ўлмоқ яхши!

Ёшлигингизданоқ қалбингизга адлу адолат, инсофу диёнат, раият ва жамиятга садоқат, жасурлик ва жасорат туйғуларини сингдирдим. Ҳақиқатан мард ўғлон бўлиб ўсдингиз. Падари бузрукворингиз ғишт қолипдан кўчиб, ҳокимият қўлдан чиққач, подшолик қиличини катта умид билан Сизнинг қўлингизга тутғозиб, Хоразм султони, деб эълон қилғонликлари бежиз эмас. Энди мана бу омонатни олинг.

Она белига белбоғ янғлиғ ўралган, бутун жону жисмига куч-қувват, кўзларига нур, қалбига сурур бахш этиб турган юрт байроғини бўшатдию, ўғлининг қўлига тутқизиб, шундай деди:

Сизни не-не балою қазолардан эсон-омон олиб чиққан оқ тулпорингизга минингу, дарёнинг нариги қирғоғига отилинг, эл-юртни ана шу ёлов остига тўплаб, эрк учун жангга бошланг. Оллоҳдан илтижоим шулки, юртимиз ловуллаб турган ўт-олов ичида янгидан туғилиб, яшариб, дилбар қанотлари билан осуда кўкка дадил парвоз қилувчи афсонавий Қақнус қуши каби яна озод ва обод бўлғай, элу раият эмин-эркинликда яшағай. Ана шу йўлда шундай жанг қилинки, жасоратингиз келгуси авлодлар тилидан тушмасун. Зеро, муборак исмингизни Мангуберди деб бежиз атамағонмиз.

... Чодир атрофини мўрмалахдек қуршаб турган душманнинг вахшиёна қийқириғию ҳайқириқлари тобора яқинроқ эшитила бошлади. Шунда она шоҳона либосларини оҳиста ечдию оппоқ ҳарир кўйлакда бошини баланд кўтарган ҳолда чодирни тарк этиб, пастда мавжланиб турган дарёга ўзини отди.

Дарё суви бир зумда лоларанг тусга кирди. Она қалбининг шафағи ботиб бораётган Қуёшнинг сўниқ нурларида, асов дарёнинг у қирғоғига эсон-омон ўтиб олган Жалолиддин боши узра ёйган яловда оловдек яллиғланди, теварак-атроф бирдан ёришиб кетгандек бўлди.

Бу воқеаларни қояда зимдан кузатиб турган Чингизхон шундай аҳли-аёли, ўктам ўғлонлари бўлган юртни тиз чўктириб бўлмайди, дея отига алам билан қамчи босди...

Азиз юртимиз она орзу қилган бахт қушининг беозор қанотлари ардоғида озод ва обод камолотга эришгунча озмунча замонлар кечмади. Истиқлол туфайли ҳаётбахш ранглари, танлаган йўлимизнинг тўғрилиги ва мунавварлиги рамзи - ою юлдузлари бўлган Байроғимиз она-Ватан узра баланд кўтарилди. Ҳар гал шу Байроққа ғурур билан боқарканман, унинг қат-қатларида мард ўғлонларини эрку адолат учун жангга чорлаган муҳтарам она қалбининг шафақлари жилваланаётгандек, «Оналар илтижоси ижобат бўлмай қолмайди! Она қадри - муқаддас!» сўзлари лавҳаланаётгандек туюлади.

Она қадри - муқаддас! Дарҳақиқат, она қадри, унинг эзгу орзу-умидлари айни бизнинг жамиятимизда тўла рўёбга чиқмоқда.

... Ўзининг саксонинчи баҳорини (шоира илк баҳорда туғилган) қаршилаётган, буюк момоларимизнинг эзгу орзу-умидлари, зоҳирий ва ботиний гўзаллиги, ақл-идроки, меҳри, илҳомбахш истеъдодини ўзида мужассам этган Зулфия опа одатига кўра эрта саҳарда илҳом оғушида уйғониб, босиб ўтилган ҳаёт сўқмоқлари, истиқлолнинг эл-юрт, айниқса етиб келаётган авлодлар тақдиридаги ўрни, мазмунмоҳияти ҳақидаги мушоҳадаларга берилди.

Шу вақт дафъатан телефон жиринглади. Опа оҳиста гўшакни қулоғига тутди:

- Ассалому алайкум, Зулфия опа! Аввалам-бор, Сизга сиҳат-саломатлик, қолаверса, истиқлолимиз ва истиқболимиз равнақи йўлидаги ижодингизга барака тилайман...

Бу- Президентимизнинг ўктам овози эди. Зулфия опа ҳаяжонини босолмай «Раҳмат!» дея олди, холос.

Зулфия опа шундан кўп ўтмай таваллуди кунига бағишлаб ўтказилган катта анжуманда ана шу унутилмас воқеа ҳақида сўзлар экан, ўша тонгда хонадонимга, қалбимга Қуёш мўралагандек бўлди, бошим кўкларга етди, деган эди.

Ҳа, истиқлол ҳар бир хонадонга, ҳар бир қалбга нур олиб кирди. Она қадри - Ватан қадри мақомига кўтарилди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан 1998 йил - Оила йили, жорий йил эса Аёллар йили деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги беқиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш мақсадида қабул қилинган ушбу Фармонда баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш кўзда тутилган.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилади. Ушбу мукофот соҳибалари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Шубҳа йўқки, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари мамлакатимизнинг иқтисодий, маданий-маърифий салоҳиятини бутун дунё кўз ўнгида янада юксалтиради. Улар орасидан таниқли олималар, етук давлат ва фан арбоблари, замонамизнинг Зебунисою Нодирабегимлари етишиб чиқади. Улар, Зулфия онанинг илтижосини ижобат этароқ:

ҲАЁТДА ҲАЛИ ТАРИХ КЎРМАГАН ЗАФАР КИТОБИДАН ВАРАҚ ОЧАДИ.

Ёқуб ИБРОҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҚОИДАЛИ ИШЛАШ— БЕХАТАРЛИК ГАРОВИ

Меҳнат муҳофазаси

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасига баъзи бир раҳбар ва мутасадди ходимлар иккинчи даражали масала деб, қарайдилар. Аслида эса бу тадбир бир олам илмдир. Шу боис хавфсизлик техникаси билан ҳар куни ва доимо сидқидилдан шуғулланиш лозим. Бошқача айтганда, бу масала соҳа мутахассисларидан ижодий ёндашишни талаб қилади.

Ўзбекистон ёқилғи - энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси ўтган йил май ойида ташкил этилди. Унга Республика саноатининг нефт, газ, кўмир. энергетика, геология ва кимё саноати тармоқларининг Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотлари касаба уюшмалари бирлаштирилди. Ўтган қисқа давр ичида тасарруфдаги кўпгина корхона ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ҳолатлари бўйича техник ҳужжатларнинг юритилиши ўрганиб чиқилди. Бехатар иш шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касалланиш ҳолатларини камайтириш масалалари бўйича маълум бир ўзгартириш ва таклифлар кўрсатма кўринишида берилди ҳамда уларнинг бажарилиши назоратга олинди.

1999 йил - Аёллар йили деб эълон қилинганлиги боис тасарруфдаги корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган аёлларга яратиб берилган иш шароитлари, улар меҳнатини муҳофаза қилиш ҳолатлари, шу билан бирга хотин - қизларга тиббий - маиший хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор берилди. Касаба уюшмалари қўмиталарига бу борада амалий ёрдам кўрсатиш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ўтган давр мобайнида «Ўзкимёфарм», Тошкент лак - бўёқ заводи ҳиссадорлик жамиятлари, «Совпластитал» қўшма корхоналаридаги меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ҳолатларини яхшилаш борасида маъмурият ва касаба уюшмаларининг олиб бораётган ишлари ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, мазкур корхоналар ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб самарали меҳнат қилаётган ишчи - хизматчилар, хусусан, меҳнаткашларнинг кўп қисмини ташкил этган аёлларга кўнгилдагидек шароитлар яратиб берганлар. Бошланғич касаба уюшма қўмиталари таркибида меҳнат муҳофазаси комиссиялари тузилган бўлиб, улар иш режаларига эгадирлар. Корхоналар қарамоғидаги барча цех ва бўлимларда меҳнат муҳофозаси вакиллари сайланган бўлиб, улар ўз фаолиятини юқоридаги комиссия аъзолари билан ҳамкорликда олиб бормоқдалар. Бундан ташқари мазкур корхоналарда касаба уюшма қўмиталари маъмурият билан биргаликда бир ёқадан бош чиқариб, ўз ишларини ташкил этганликлари яққол кўриниб турибди.

Лекин молиявий қийинчиликларни баҳона қилиб, бу муҳим масалаларга лоқайдлик билан қараётган корхона раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Булар қаторига «Ўзбиофарм», «Эркин Осиё» масъулияти чекланган жамиятларини киритиш мумкин. Кейинги пайтларда ушбу корхоналар маъмурияти касаба уюшма қўмиталари билан биргаликда меҳнатни муҳофазалаш, хавфсизлик ҳолатларини яхшилашга керакли эътиборни жалб қилмаганликлари туфайли пайдо бўлган камчилик ва нуқсонлар аниқланди. Ишлаб чиқариш цехлари, бўлинмаларда ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат қилиши учун етарли шарт - шароитлар яратилмаган. Масалан, корхоналар совуқ, зах, яхши ёритилмаган, махсус кийим - бошлар ўз вақтида, тўлиқ берилмайди. Тиббий - маиший хоналарнинг аҳволи бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди.

Ҳадиси Шарифда «Ишни ўз вақтида, пухта ва чиройли бажарувчи одамни Тангри дўст тутади» дейилган. Шунинг учун ҳар биримиз ўз иш жойимизда бу сўзларга амал қилсак, мунтазам билим, малакаларимизни ошира бориб ҳар бир иш жойида керакли шарт - шароитни ташкил қилиб, оқилона меҳнатни талаб қилсак, бугунги кундаги қийинчиликлар тезроқ орқада қолади. Бу эса ўз навбатида корхоналар тараққиётига, қолаверса, мустақиллигимизнинг янада мустаҳкамланишига, меҳнаткашларнинг барча иқтисодий - ижтимоий муаммоларини ҳал этишга, турмуш даражасининг кундан - кун юксалишига олиб келади.

Ш.АЛИМОВ,
Ёқилғи - энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитасининг меҳнат бўйича техник нозири.

ШОНЛИ САНАГА ТАРАДДУД

Бундан 60 йил муқаддам мамлакатимизда республика қўғирчоқ театрига асос солинган эди. Чиндан ҳам «кичик саҳна» усталари, санъат даргоҳи учун ўтган давр ўсиб-улғайиш, ижодий камолат сари интилиш йиллари бўлди.

Республика қўғирчоқ театри репертуаридан ўрин олган бир неча спектакллар чет мамлакатларда ҳам муваффақият билан намойиш этилди. Айни вақтда ўзбек «кичик саҳна» усталари қатор халқаро фестивалларда қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Театр ўзининг олтмишинчи ижодий мавсумига катта тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу мавсум «Алпомиш» постановкаси билан бошланади. Бу спектакл «Алпомиш» достони юбилейига санъаткорларнинг муносиб ижодий армуғони бўлади.

Республика қўғирчоқ театрининг босиб ўтган ижодий йўли унинг биносида ташкил этилаётган музей экспонатлари орқали ёритиб берилади.

ТАЛАБАЛАРГА СОВҒА

Ўзбекистонда иқтисод фанини ривожлантириш йўлида кенг кўламда ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ҳам умидли ёшларни малакали мутахассис кадрлар бўлиб етишишларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бунда, шубҳасиз, олий ўқув юртининг халқаро иқтисодий муносабатлар инглиз тили кафедрасининг ҳам муносиб ҳиссаси қўшилмоқда. Кафедра кутубхонаси бугунги кунда хориждан олиб келинган кўпгина ўқув адабиётларига эга.

Инглиз тилида чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам ортиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида Буюк Британиядан бундай адабиётлардан анчагинаси келтирилди.

Айни вақтда университет олимлари чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда янги ўқув қўлланмаларни яратишга киришдилар. Кафедра олимлари саъй-ҳаракати билан инглизча-ўзбекча-русча луғат устида ҳам жиддий иш олиб бордилар.

1999 йил — Аёллар йили

САОДАТ СОҲИБАСИ

Тушдан кейин ҳаво айниди. Кўк юзини паға булутлар коплаб, шаррос ёмғир куя бошлади. Боз устига шамол зўрайди. Ишдан қайтиб оилага ташвишларига берилган Раъно опанинг хаёли болалар оромгоҳига кетди. Ҳаяжонда тегишли жойларга қўнғироқ қилиб аҳволдан бохабар бўлгач машина чақиртириб йўлга тушди. Қийинчилик билан манзилга етиб келишди. У оромгоҳга етиб келганида ёмғир тинган, шамол ҳовуридан тушганди. Фақат чироқ ўчибди. Опа тарбиячилар билан ётоқхоналарни айланди. Ўғил ва қизлар хотиржам, турли машғулотлар билан банд эдилар. Кетма-кет етиб келган мутахассислар чирокни ёкишди, йўлларни тозалашди. Кўп ўтмай барча муаммолар ҳал этилди.

Раъно опа уйига қайтиб келганида вақт алламаҳал бўлган эди. Балиқчи туман деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Р.Абдураҳмонова ана шундай жонкуяр, касбига садоқатли аёллардан. Ишончни оқлаш учун тиним билмайди. Одамлар мушкулини осон этиш учун баъзида раҳбарлар билан талашиб-тортишишдан ҳам чўчимайди. Отаси энг баобрў инсонлардан бири эди. Қаерда ишламасин халқ ишига, ҳақ йўлига қайишди. Бу фазилатлар отадан қизга ҳам ўтди. Раъно Абдураҳмонова ташкилотчи, ташаббускор ходим сифатида назарга тушди.

Туманда 23.300 нафар касаба уюшма аъзоси бор. Шундан 9.245 нафари хотин-қизлардир. Ишчилар таклифи асосида пахта тозалаш заводи қошидаги «Чинобод» сиҳатгоҳига кўплаб аёллар касаба уюшма йўлланмаси билан жойлаштирилди. Айни кунларда бу ерда юзга яқин аёл кўнгилли дам олмоқда. Илгари фуқаролар йиғини раисаси бўлиб ишлаганлиги учун опа ҳузурига оилавий масалалар билан маслаҳат сўраб келувчилар жуда кўп. Яқинда икки меҳнаткашнинг фарзанди болалар боғчасига жойлаштирилди, икки оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Тўйларни камчиқим, замонавий ўтказилишида ҳам унинг муносиб ҳиссаси бор.

Туман касаба уюшма қўмитаси вилоят ҳокими қарори билан ўтказилаётган «Андижонни гулларга буркаймиз», шиори остида олиб борилаётган кўрик-танловда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, икки оромгоҳда, шийпонлар ёнида, маҳаллаларда ажойиб гулзорлар барпо этилди. Раъно опа том маънода тадбиркор. У оиласи билан йигирма гектар ер олиб, деҳқон хўжалигини ташкил этди. Бу йил ҳар гектардан 60 центнердан буғдой ҳосили олишга эришди. Хўжалик аъзоларининг ижтимоий ҳимояси яхши йўлга қўйилган.

— Энг муҳими фарзандларим меҳнатсевар, одамохун кишилар бўлиб, вояга етганларидан хурсандман, - дейди Р.Абдураҳмонова.

Чинданам бу бахтли оилага ҳамма ҳавас қилади. Катта қизи Гулнора инглиз тили мутахассиси. Кичиги ҳам шу соҳани эгаллаш мақсадида институтда таҳсил олмоқда. Қишлоқда ким билан фикрлашманг, улар Раънохон бизнинг фахримиз, дея алоҳида таъкидлашади. Бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этсин.

Ш.НЕЪМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ҳуқуқингизни биласизми, мажбуриятингизни-чи?

ТАДБИРКОР ВА ДАРОМАД СОЛИҒИ

— Ишимизнинг муҳим йўналишларидан бири солиқ тўловчиларни аниқ ҳисобга олишдир, - дейди Шаҳрисабз туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Н.Холдоров. —Ҳозирги вақтда туманимизда 1717 юридик шахс рўйхатдан ўтган. Уларнинг 600 га яқини бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Улар туман иқтисодиёти, маҳаллий бюджетни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келаётир. Лекин бу тизимда ҳамма иш кўнгилдагидек кетаяпти, солиқ қонунчилигининг бузилиш ҳолларига дуч келинмаяпти, деган хулосани бермайди. Ўтган беш ой давомида 248 та текшириш ўтказилган бўлса, уларнинг 182 тасида қонун бузилганлиги, натижада 42525,2 минг сўм қўшимча солиқ ва мажбурий тўловлари аниқланди.

Маҳаллий солиқлар ва тўловлар бюджет тўлдиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Бу соҳадаги ишларимиз шаҳар ва туманларда анча оғир кечади, режалар қийинчилик билан бажарилади. Ана шу соҳадаги ишларимизни олиб қараганда, солиқларни ундиришда участка солиқ инспекторлари лавозимларининг жорий этилиши айни муддао бўлди. Бугунги кунда туманда шу лавозимда 16 нафар нозир фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида тажрибалилари ҳам, эндигина иш бошлаганлари ҳам бор. Шуни ҳисобга олиб, илғор участка инспекторларининг иш тажрибаларини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш ҳамда оммалаштириш кенг йўлга қўйилган. Ўз навбатида бу усул яхши самара бераяпти.

— **Бозор иқтисодиётига ўтиш, ислоҳотлар тадбиркорликни авж олдириб юборди. Тадбиркорлик учун иқтисодий ва қонуний шарт-шароитлар яратилиб, ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда. Аммо тан олмоқ лозимки, орамизда «Бу бизга шахсий бойлик орттириш учун яратиб берилган шароит» деб тушунувчилар ҳам йўқ эмас.**

—Имкониятлардан унумли фойдалаётган кўпчилик ишбилармонлар ўз саъй-ҳаракатлари, жонкуярликлари билан ҳам элга, ҳам Ватанга ва ҳеч шубҳасиз ўзларига катта манфаат келтираётир. 1535 тадбиркорлар туман давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтган. Улардан беш ой давомида 13418,2 минг сўм даромад солиғи ундирилди. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тўлиқ жалб этиш мақсадида назорат ҳамда ўз-ўзини бошқарув органлари билан бирга мунтазам рейдлар ўтказиб, оммавий-ахборот воситалари орқали тушинтириш олиб бораяпмиз.

Аммо амалий тадбирлар, кўрилаётган маъмурий чораларга қарамасдан қонунбузарлик ҳолатларига чек қўйилмаяпти. Йил бошидан буён 42 бор рейд ўтказилиб, 261 тадбиркорнинг фаолияти текширилди. Бунинг натижасида бюджетга қўшимча равишда 110,5 минг сўм солиқ ундирилди. 282 фуқаро томонидан қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилганлиги қайд этилиб, улардан 267 киши қонунда кўзда тутилган тартибда 529,6 минг сўм маъмурий жаримага тортилди.

Биз башорат қилинган тушумлар, тўланиши лозим бўлган барча маблағлар бюджетга тўлиқ тушаяпти, деган фикрдан анча йироқмиз. Бу борада ечимини кутаётган жиддий муаммолар бор. Масалан, корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларда икки томонлама шартларнинг бажарилишини олиб қарайлик. Маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар учун тўлов мажбуриятларининг бажарилмаслиги ёки қисман бажарилиши корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдорларининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар иккала томоннинг тўлов имтиёзларига қатъий риоя қилишларини жиддий назоратга олганмиз. Ўтган йили Республика Президентининг 1995 йили 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоб-жарима солинди. Айрим корхоналарнинг текшириш ҳужжатлари чора кўриш учун туман прокуратурасига ўтказилди.

— **Президентимиз Республика Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади», деб алоҳида таъкидладилар.**

— Ҳақиқатан ҳам ишимизнинг бутун муваффақияти кадрлар билимига, тажрибасига ва ҳеч шубҳасиз имон-эътиқодига боғлиқ. Шунинг учун ҳам фаолиятимизнинг асоси-кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Сафимиз ишга масъулият билан ёндошадиган, малакали, ҳалол-пок ходимлар ҳисобига мустаҳкамланмоқда. Шу мақсадда қатор ташкилий ишларни амалга оширдик. Ишга қабул қилинаётганларни амалиётда синаб кўриш, жамоа ишлари, яшаш жойидаги фаолликлари, ҳамкасблари ўртасидаги обрў-эътиборини ўрганиб чиқиш, улар билан юзма-юз суҳбат ўтказиш сингари усуллар йўлга қўйилган. ДСИга яқинда қабул қилинган ёшларга мураббийлар устозлик қиладилар. Ҳар ҳафтада ўтказиладиган касбий ўқув мутахассислар билим ва маҳоратларини оширишда ўзига хос мактаб бўлаяпти.

Айни вақтда солиқ тўловчиларни қонунлардан хабардор қилиш, уларга ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш жуда муҳимдир. Тизимда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлар солиқ тўловчиларга тезроқ етиб бориши, улар солиқ қонунчилигига оид ахборотлардан бохабар этиш мақсадида тумандаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбар ходимлари билан йиғилишлар, семинар-кенгашлар ўтказиб турилибди. Худди шундай амалий машғулотлар тармоқларга бўлинган ҳолда ҳам ташкил этилаётир. Қишлоқ фуқаролар йиғинларида участка инспекторлари ташаббуси билан солиқ Кодекси ва қонунларини ўрганиш ҳам ижобий натижалар бераяпти.

— **Халқимизда «Дардни дардмандан сўра» деган гап бор. Сизнинг тасаввурингизда айни пайтда солиқчиларни ўйлантириб, қийнаб келадиган масалалар, муаммолар нималардан иборат?**

— Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорлик тизимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қатор жуда муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Баъзи тадбиркорлар ана шу ҳужжатлардан фақат ўз шахсий манфаатларини кўзлаб фойдаланмоқдалар. Тегишли имтиёзлардан фойдаланган айрим кичик корхона, фермер (деҳқон) хўжалиги ҳамда хусусий мулкчиликка асосланган тадбиркорлик тизилмалар ўз фаолиятларини тўхтатиб, дарҳол янгисини очишга ёки умуман фаолият кўрсатмасликка уринадилар. Ана шундай содда муғомбир тадбиркорларга нисбатан амалдаги қонунларни қучайтириш керак, деб ўйлайман.

Яна бир гап: Биргина аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун 1999 йилда 282 млд. сўм маблағ ажратилган. Бу маблағлар асосан давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади ҳамда солиқ ва турли тўловлар шаклида йиғилади. Бу соҳада ҳар доим сўз ва иш бирлиги таъминланяпти деб айта олмаймиз. Баъзи раҳбарлар давлатимизнинг иқтисодий ислоҳот борасидаги сиёсати, қабул қилинаётган миллий дастурларни қўллаб-қувватлайдилару, амалдаги ишлари ваъдага сира тўғри келмайди. Улар солиқларни вақтида тўлаш эмас, аксинча улардан қочишга ҳаракат қиладилар. Натижада боқиманда қарзлар ортиб кетади.

Маълумки, давлат ёки жамоат ташкилотларининг моддий жавобгар шахслари ўз ҳисобларида бўлган бойликларни сақлаш, харажат қилиш қоидаларини бузсалар ёхуд кам миқдорда бўлса ҳам камомадга йўл қўйсалар, улар жиноий жавобгарликка тортиладилар. Корхона ва ташкилотнинг уқувсиз раҳбари, бош ҳисобчилари айби билан солиқ ва тўловлар ҳисобини тўғри олиб бормаслик, тақдим этмаслик сабабли ташкилотга миллион-миллион сўмлик молиявий жарима солинади. Биргина бизнинг туманимизда, масалан, биринчи чоракда 34 миллион сўм жарима қўлланилди. Бундай лоқайдлик натижасида мукофотларгина эмас, ҳатто маошлар ҳам вақтида тўланмайди, жамоанинг ишлаб чиқаришга муносабати ўзгаради, корхона фаолияти издан чиқади. Ана шундай шароитда ҳисобланган лаклак жарималар ташкилот ҳисобидан тўланади-ю, айбдор шахслар четда қолиб кетаверади. Бу адолатдан эмас. Молиявий жарималар учун айбдор шахслар жазоланиши керак.

Ўтказилаётган барча тадбирлардан кўзда тутилаётган асосий мақсад - қонунларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, маданиятли солиқ тўловчиларни шакллантиришга эришишдир. Бу нафақат солиқ тўловчиларга нисбатан қўйилаётган қатъий талаб, балки солиқ тизими ходимларининг амалий фаолиятлари учун муҳим дастурдир.

Суҳбатдош: Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

OLAMDA NIMA GAP

ИСЛОМОБОД. Покистоннинг Панжоб вилоятида йўловчи автобус ҳалокатга учради. Бунинг натижасида 27 киши ҳалок бўлди.

Маълумотларга қараганда, Мурид шаҳридан Лаҳор вилояти марказига йўл олган автобус чуқур каналга қулаб тушган. Унинг ичида 30 нафар йўловчи бўлган. Улардан уч нафарининггина ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлинди. Ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

* * *

ХАНОЙ. *Кучли сув тошқини юз бериши туфайли Таиланд ҳукумати мамлакатнинг шарқий қисмидан аҳолини кўчириш тадбирини бошлади.*

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, тошқин натижасида 32 минг киши бошпанасиз қолган, 3 киши ҳалок бўлган. Айниқса, мамлакатнинг Чантхабури вилояти табиий офатдан катта зарар кўрган. Бу ердаги иқтисодий аҳамиятга эга иншоотлар ва бошқа объектлар яроқсиз ҳолга келган.

* * *

ТОКИО. Япония ҳарбий-денгиз кучларига қарашли уч кема Жанубий Кореянинг Пусан бандаргоҳига етиб келди. 5 август куни бу ерда икки мамлакат ҳарбий денгизчиларининг ҳамкорликдаги машқлари бошланади. Денгизда қутқарув-қидирув операциялари бажариладиган бу машғулотлар Жанубий Кореянинг Шарқий Хитой денгизидаги Чежудо ороли яқинида бўлиб ўтади.

Ҳамкорликдаги ҳарбий машқлар ўтган йил декабр ойида икки мамлакат мудофаа маҳкамалари раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокаларда эришилган келишувга муфовиқ ўтказилмоқда.

* * *

БУЭНОС-АЙРЕС. *Чили коммунистик партияси етакчиси Гладис Марин мамлакат президенти лавозимига номзодлар рўйхатида биринчи поғонадан жой олди. У мамлакат тарихида президент лавозимига даъвогарлик қилаётган биринчи аёл, шунингдек, сўл кучларнинг биринчи вакилидир. Г.Маринниг умр йўлдоши Аугусто Пиночет тузуми даврида беиз йўқолганлардан биридир.*

Чилида президент сайлови 12 декабрда бўлиб ўтади. Ҳозир яна олтита даъвогар унда иштирок этиш ниятида эканини маълум қилди.

(ЎзА)

Будапешт

Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллигига

ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО

Собиқ шўро даврида дунё илм-фанининг тожи-тахтини яратган буюк аждодларимизни, шон-шуҳратга тўла тарихимизни нега биздан яшириб келишди? Ўзбек халқини ғафлатда сақлаш учун

Бани одамга аён бир ҳақиқат бор: дарахт қанчалик улкан бўлса, унинг томирлари ҳам шунчалик теран бўлади. Бинобарин, илдизи пойдор бўлган дарахтлар улуғворлик касб этади. Ён-атрофга ёйилган шохлари беҳисоб, бўйи эса булутларга бахслашиб, кўкка чўзилади. Теран томирларга эга халқларни чиноргa менгзашади.

Назаримда, тарихи чинор илдизларидек минг йилликларга уланган келажаги юлдузларга интилиб бораётган ЎЗБЕК халқини ҳам ана шу беназир дарахтга қиёс қилиш мумкин. Чунки илдизи бақувват дарахтга ҳар қанча даф қилинмасин, у барибир йиллар тўфонига басма-бас кўкрак кериб ўсаверади. Бунга неча минг йилликларни ўз ичига олган ўтмишга эга, асрий қулликнинг занг босган ҳамда энг сўнгги мустабидлик даврининг кўзга кўринмас занжирларини парчалаб ташлаб, эмин-эркин яшаётган ҳур ва озод ЎЗБЕК халқининг тарихий кечмиши далилу исбот бўла олади.

Зеро, бу халқни дунё аҳлига танитган, абадийликка мушарраф этган шундай теран томирлари борки, уларнинг ҳар бири бир олам, ҳар бири алоҳида тарих. Ватанпарварликнинг яловбардори саналган Широқ, аёл бўлса-да, мардлиги билан афсонага айланган Тўмарис, ёғийлар юрагига ғулғула солган Афросиёб, ҳали ҳеч ким қарши қурол кўтара олмаган Искандар Зулқарнайнни доғда қолдирган Спитамен, арабларга араб тилининг қонун-қоидаларини ўргатган, «Жоруллоҳ», яъни Аллоҳнинг кўшниси деё ном олган Замахшарий, «Алжабр»и билан жаҳонни лол қолдирган Хоразмий, тошлар билан тиллашган Беруний, жаҳон тиббиёти ривожига муносиб улуш кўшган Ибн Сино, буюк муҳаддис Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний каби беназир мутафаккирларимиз, жасурлиги билан ҳатто ғанимнинг ҳам ҳавасини келтирган Жалолиддин Мангуберди, тарихнинг тирик тимсоли бўлган Амир Темур, фалак тоқида мангу ёнган юлдуз Мирзо Улуғбек, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий, Ҳинд ўлкасида марказлашган давлатга асос солган ва жаҳон маданияти тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатган Бобур ва яна юзлаб бошқа буюк аждодларимиз борки, уларнинг ҳар бири жаҳонга ЎЗБЕК номи билан машҳур бўлган улуғвор дарахтнинг пойдор илдизларидир.

XII-XIII аср тасаввуфининг энг ёркин ва энг улуғ намояндаларидан бири бўлган буюк мутафаккир Нажмиддин Кубро (1145-1221) ҳам ана шундай теран томирлардан биридир. Номи тириклигидаёқ машҳур бўлган бу зотнинг тўлиқ исмлари Аҳмад бинни Умар Абулжаноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хивақий ал-Хоразмий бўлиб, 1145 йилда Хива яқинидаги ҳозирги Саёт қишлоғида таваллуд топган.

Ўз замонасида илму урфонда Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларига тенг келадиган бирорта олим бўлмаган. Шунинг учун ҳам ул зотга Кубро исми берилган. «Кубро» - улуғларнинг улуғи, энг катта демакдир. Шайхлар, машҳур мутасаввуфлар ҳақида салмоқли фикрлар айтган буюк бобомиз Алишер Навоий «Насойимул-муҳаббат» асарида Нажмиддин Куброга шундай баҳо беради: «Аларға Кубро андин лақаб бўлдики... ҳар ким билаким мунозара ва мубоҳаса қилсалар эрмиш - ул кишига ғолиб бўлурлар эрмиш».

Шайх ҳазратларининг иккинчи исми муборакларі «Шайхи Валийтарош», яъни «Валийлар етиштирувчи шайх» бўлган. Зеро, у кишидан таълим-тарбия олган шахслар ўз замонасининг етук олимлари, фозил ва ориф кишилари бўлиб етишдилар. Ислом оламида айрича ҳурмату эъзозга эга бўлган Шайх Мажидиддин Бағдодий, Шайх Саъдиддин Ҳамавий, Бобо Камол Жандий, Фаридиддин Аттор, Шайх Розиддин Али Лола, Шайх Сайфиддин Бохарзий, Шайх Нажмиддин Розий, Шайх Жамолиддин Гейли, Шайх Жалолиддин Румийнинг падари бузрукворі, султонул умаро Мавлоно Баҳоуддин Валад ва яна кўплаб буюк мутасаввуфлар Нажмиддин Кубронинг таълимини олган талабалардир. Тариқатдан тариқат, мактабдан мактаб яратган бундай машҳур кишиларнинг ўзиёқ ҳазратнинг нақадар улуғ зот бўлганидан далолат бериб турибди.

Шайх Нажмиддин Кубронинг бу қадар юксакликка кўтарилиши ўз-ўзидан бўлмаган. У ёшлигиданоқ билимга ташна, китобга ихлос кўйган, илм йўлидаги машаққатлардан чўчимаган. Ҳазрат ўз замонасининг машҳур олимларидан бўлган Шайх Рўзбеҳон ал-Ваззаҳдан таълим олиш учун Мисрга, Имом Абу Наср Ҳафзадан сунна ҳақида билим олиш учун Табризга ҳам боради.

Даврининг довруғли олимларидан билим олган Нажмиддин Кубро Хоразмга қайтиб, у ерда Кубровия (ёки Заҳҳобия, яъни олтин) тариқатига асос солади. Бу тариқатнинг таъсири нафақат Хоразмшоҳлар салтанатида, балки бутун ислом оламида ҳам кучли бўлган.Нажмиддин Кубро ҳазратлари кишиларни саодат йўлига бошлаганлар, гўзал ахлоқ эгаси бўлишга, ўткинчи ҳою ҳавасдан, фисқу фужурдан, кибру ҳаводан йироқ бўлишга даъват этганлар.Аксинча, ўша давр нуқтаи назари билан баҳо берганда, жаҳоннинг энг қудратли империясига айланган Хоразмшоҳлар давлатида эса бу қарашларга зид равишда шону шуҳратга ўчлик, манманлик, кибру ҳавога берилиш, бойлик ортидан қувиш иллатлари авж олган эди. Ҳурфикрлилик, инсоний қадр-қиммат, ҳуқуқ топталаётган, ҳамжиҳатлиликка , бирликка путур етиб, гуллаб-яшнаётган мамлакат чок-чокидан сўкилиб, тубсиз чоҳ ёқасига келиб қолганди.

Сохта шуҳрат, кибру ҳаво алал- оқибат манманликка муккасидан кетган Муҳаммад Хоразмшоҳнинг кўзини кўр қилади. Машҳури замонликда ўзини иккинчи Искандар деб атаган бу подшоҳнинг бефаросатлиги мамлакатни хонавайрон қилди. У илму урфон йўлини тутган олиму фузалоларни, ўзини яқинлашиб келаётган офату балолардан огоҳ этганларни таъқиб этди. Ҳатто Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг энг солиҳ шогирдларидан бири бўлган Мажидиддин Бағдодийни қатл қилдирди.

Таназзулга юз тутган, ғорат бўлаётган мамлакатнинг эртаси янада ёмон бўлишини, бир вақтлар ҳамманинг ҳавасини келтирган буюк давлатга путур етишини башорат қилган Шайх ҳазратлари шогирдларига қарата шундай дейди: «Энди юртингизга боринг. Шарқдан фитна олови келмоқда. Кўп ўтмай у ҳамма ёқни куйдириб кул қилади. Тарихда бунинг каби офат бўлган эмас». Устозининг бундай башоратидан таажжубда қолган шогирдлар: «Устод, дуо қилинг, бу офат мусулмон оламидан даф бўлсин, ахир сизнинг дуоингиз ҳар доим ҳам ижобат бўлганку», дейишади. Уларга жавобан ҳазрат: «Бу қазои мубрамдир (яъни муқаррардир-Т.Қ). Дуо билан уни қайтариб бўлмайди», дея таассуф билан бош чайқайдилар. «Ундай бўлса, сизни ҳам олиб кетайлик», дея илтижо этишади шогирдлар. «Бизга ижозат йўқ, шу тупроқда туғилибмиз, шу тупроқда ўламиз», дейди Шайх ҳазратлари қатъий. Иложсиз қолган шогирдлар устознинг оқ фотиҳасини олиб жўнаб кетишади.

Нажмиддин Кубро ҳазратлари башорат қилган офат ўзини жуда ҳам кўп куттириб қўймади. Устоз айтганларидек, мўғул босқинчилари қиёфасидаги бу тенгсиз бало машрикдан мамлакатга бостириб кирди, гулларга бурканган ўлка вайронага айланди. Бир пайт Хоразмшоҳ атрофида парвона бўлган нафс бандалари ўзларига иймону эътиқод, муқаддас Ватан, эрк тушунчалари ёт эканлигини яна бир карра намоён этдилар. Шоҳнинг шоҳона зиёфатларини еб, шоҳи тўнларини кийган ялавочлар унга хиёнат қилиб, ёғийга ён босдилар. Бильакс, ундан марҳамат ўрнига жабру зулм кўрган иймону эътиқодли ватарпарвар инсонлар қўлига қурол олиб Ватан ҳимоясига отландилар.

Баъзан дунёнинг ишларига ҳайрон қоласан, киши. Йўқса, Чингизхондек шафқат нималигини билмаган фотиҳ Нажмиддин Кубро ҳазратларига марҳамат кўрсатиб, қамалдаги Урганчдан чиқиб кетиши мумкинлиги тўғрисида хабар юборармиди? Бироқ, Хоразмшоҳ кўрқоқлик қилиб мамлакат ҳимоясини ташлаб қочганда 76 ёшлик Шайх ҳазратлари ватан мудофаасига чоғланган меҳнаткаш халққа бошчилик қилди. Алишер Навоийнинг ёзишича, ҳазрат бир ҳамлада душман байроғини тортиб олган ва уни ҳатто ўлганидан кейин ҳам бўшатмаган. Ўнта ёғий ҳарчанд уринмасин, байроқни ажратиб ололмайди. Шунда улар ғазабдан жазавага тушиб, шаҳид Шайхнинг бармоқларини битталаб чопадилар.

Ватанпарварликнинг буюк тимсолига айланган Нажмиддин Кубродан тафсир, ҳадис, тасаввуф ва бошқа масалаларга оид кўплаб асарлар қолган. Бироқ, замона зайли билан, таниқли турк олими Моҳир Из таъкидлаганидек, улардан ўнтасигина бизгача етиб келган, холос. Шайхнинг «Рисолатун фис-сулук», «Рисолатут-туруқ», «Таволит-таъниф», «Фавотиҳул-жамол»,»Ҳидоятул-толибин»,»Айнул ҳаёт», «Рисолаи Нажмиддин», «Ал-усул ал-ашара» каби асарлари жаҳон афкор оммасига яхши таниш. Айниқса, сўфийликнинг асосий тамойиллари ҳақидаги «Ал-усул ал-ашара» асари машҳур бўлиб, Исмоил Ҳаққи Бурсавий томонидан усмонли туркчага таржима этилган ва 1840 йилда Истанбулда нашр этилган. Мазкур китоб юз йиллар давомида ислом оламида қимматли дарслик сифатида хизмат қилган.

Кенг қамровли ва чуқур мазмунга эга бўлган Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг илмий ва бадиий мероси бутун жаҳонда қизиқиб ўрганилмоқда.Жумладан, туркиялик Моҳир Из, америкалик Макрет Крейч, олмониялик Ф. Мейер каби олимларнинг тадқиқотлари маълум ва машҳурдир.

Мустабидликка асосланган тузум мафкураси бошқа буюк ватандошларимиз қатори Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг ҳам илмий-ижодий меросини халқдан пинҳон тутиб келди. Дилда иймон, қўлда қурол билан муқаддас Ватан устига мўр-малахдай ёпирилиб келган душманга довюраклик билан қарши чиққан инсон хотирасини одамлар қалбидан ўчиришга интилишди.

Шукрки, истиқлол тонги отиб, бошимиз узра ҳуррият қуёши нур соча бошлади. Мустақиллик шарофати билан Ватан озодлиги, элу юрт ободлиги учун ёниб яшаган Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари каби буюк зотларнинг қадрига етиш, илмий-ижодий меросини ўрганиш, тадқиқотлар олиб бориш имконига эга бўлдик.

Темир ҚУРБОН,
Филология фанлари номзоди.

«Ишонч» танловига

Болаликдан орзу қилган Мақсадларга етдик биз. Олтин давр остонасин Дадил ҳатлаб ўтдик биз.

А.ТЎРАЕВ олган сурат

Ҳар тўғрида
БОҒИМИЗДАГИ НАФОСАТ

** Бир мамлакатда, бир иқлим шароитида ўсадиган ўсимликларни бошқа мамлакатларга келтириб ўстириш кишилик тарихининг дастлабки даврларидаёқ бошланган.*

** Эранинг бошларида Ўрта Осиёга Хитойдан балхи тут ва шотут, япон софораси, Эрон ва Кичик Осиёдан эса чинор сингари ўсимликлар келтириб иқлимлаштирилган.*

Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқлари кўкаламзор қилинганлиги баъзи қадимги манбаларда ҳам қайд қилинади. Жумладан, XII асрдаги араб манбаларидан бирида Ўрта Осиё шаҳарларидаги сарат, мадраса, хиёбон ва боғларда иқлимлаштирилган турли дарахт ва гуллар ўстирилгани ҳақида маълумотлар бор.

** Соҳибқирон Амир Темур фармойиши билан Самарқанд шаҳри ва унинг атрофида 14 та боғ бунёд этилган. Бу боғларда сарв, чинор, терак, тол, қайрағоч, сада сингари маҳаллий ўсимликлар билан бир қаторда чет эллардан ҳамда Ўрта Осиёнинг турли жойларидан келтирилган манзарали дарахт ва гулларни кўриш мумкин эди. Гулзорларда лола, гулсафсар, бинафша ва бошқа хилма-хил гуллар ўстирилган.*

Жаҳон чемпионлари

НОНА ГАПРИНДАШВИЛИ

Мамажон МУҲИТДИНОВ

Аёллар шахмати тарихида кўпгина машҳур номлар бор. Менчик каби Нона Гаприндашвили - шахматда бутун бир даврдир. Унинг фаол, муросасиз услуби, ижодий мустақиллиги умуман аёл шахматчилар ўйинидаги янги, сифатли силжишда муҳим аҳамият касб этади.

14 ёшли қиз Тбилиси ўқувчилар саройида тарбия топди. Албатта, баъзи бир нарсаларда унинг омади келди. Чунончи, у ўсган оилада спортнинг кўп турлари: футбол, баскетбол, стол тенниси, шахматни ҳурматлашарди. Бунинг устига акаларининг бешови ҳам шахмат ўйнарди. Қизчани аяб ўтиришмасди. Бу дастлабки ҳаёт сабоқлари бебаҳо фойда келтирди. Улар уни мустақилликка ўргатдилар. Унга шахмат - кучли томон енгадиган қийин кураш эканлигини кўрсатди.

Ўқувчилар саройида у билан ажойиб педагог В.Корселадзе шуғуллана бошлагани ҳам Нонанинг омади бўлди. Вахтанг Ильичнинг шахмат ўйини асосини ижод ташкил этишига бутунлай ишончи комил эди, шунинг учун ҳам аввало шогирдларида турли вариантларни ёдлашни эмас, мустақил шахмат тафаккурини ўстирарди: у маълум нарсаларни юзаки такрорлашни эмас, ўйнашни, фантазияга берилишни, ижод қилишни ўргатарди.

Нона ниҳоятда қобилиятли шогирд чиқиб қолди. Тез орада ёш шахматчи қизнинг туғма таланти моҳир заргарнинг қўли теккан олмос янглиғ барча қирраларидан нур чақнай бошлади.

Шуғуллана бошлаганига атиги бир йил бўлишига қарамай, 15 ёшли шахматчи қиз Тбилиси, сўнгра Грузия чемпионатларида ва ниҳоят мамлакат биринчилигининг ярим финалидаги ғалабалари билан ўзи ҳақида қаттиқ бонг уради.

Нона Гаприндашвилининг спорт йўли тўғрисида кўп ёзилган. У кўпгина мусобақаларда довруғ қозонган. Тўрт карра мамлакат чемпиони бўлган, уч марта Европа чемпионлари кубогини олган. У жаҳон олимпиадаларидаги ғалабалари учун 10 та олтин медалга сазовор бўлган. Шунингдек, беш карра жаҳон чемпиони унвонига эришган. 1962 йили Биковани матчда ютиб, бир неча йиллар давомида бу унвонни муваффақиятли ҳимоялаб келди.

Лекин унинг умуман шахматга бўлган муносабати ғалабаларидан кам таассурот қолдирмайди. Нона учун курашсиз шахмат йўқ, шунинг учун кўнгилхуши партияларини ҳам у жиддий ўйнайди. Нона доимо ғалабага интилади, бинобарин, тахта ёнига ўтириши биланоқ ўзининг барча билими, маҳорати, идрокини бир жойга тўплайди.

Лекин у ҳамма вақт ундан юқори натижалар кутиладиган антиқа спортчигина эмас, Нона Гаприндашвили зиммасига узоқ вақт бутун аёллар шахматчилик ҳаракатининг пешқадами, унинг фармонбардори бўлишдек қийин вазифа тушди. Бошқалар ундан ибрат олардилар.

Айрим шахматчи аёллар Гаприндашвилига қадар ҳам эркаклар турнирларида ўйнашга киришган эдилар. Нона учун бу оддий бир нарса бўлиб қолди. Бу ўйинлар - аёл шахматчилар кучини тан олишди. ФИДЕ аёл шахматчилар ўртасида гроссмейстерлик унвонини биринчи бўлиб унга бергани бежиз эмас.





Унинг ёшлиги ва ҳаётий тажрибасизлиги ҳисобига ўтган ҳафтадаги Ер шарининг ҳаёт ва ўлим ўйинлари ҳақидаги ўз тушунчаларимга қарши чиқмайман. Ҳеч қачон болалигимда умрбод ишонч билдирган ўйин, кураш, мусобақа қоидаларини бузмайман...»

Инсон ва чемпионга муносиб эътиқод!

Мароқли машқлар

Тасвирларнинг иккаласида ҳам оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Доривор ўсимликлардан фойдаланиш узоқ тарихга эга. Кишилар ибтидоий даврлардаёқ касал, ярадор ҳайвонларнинг баъзи ўтларни еб соғайиб кетишига эътибор берганлар.

Даврлар ўтиши билан табиат яратиб қўйган доривор ўсимликларнинг аҳамияти тобора ошиб бораверди. Милоддан анча олдин қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитойда, кейинроқ Юнонистонда ва Римда доривор ўсимликлардан фойдаланиш усуллари баён қилинган ёзма кўрсатмалар пайдо бўлди.

Бу жиҳатдан, айниқса тибет табобатчилиги деб аталган тиббиёт алоҳида диққатга сазовордир. У милодан уч минг йил аввал, янада қадимийроқ бўлган Ҳинд табобати заминида юзага келган, Хитой ва Мўғул мамлакатларидаги кўрсатмалар билан бойиган.

Ўрта Осиё халқ табобати узоқ асрлар мобайнида бой тажриба тўплади. Тиббиёт оламининг бобокалони Абу Али ибн Сино фармакология, доривор ўсимликларга алоҳида эътибор берган.

Ҳозирги пайтда дунё бўйича илмий тиббиёт ва халқ табобатида жами 12 мингдан зиёд ўсимлик туридан фойдаланилмоқда.

Ҳозир ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларни излаб топиш ва уларни маданий ўсимликка айлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунончи, мавжуд дориларнинг кўпчилиги ўсимлик ёки бевосита ўсимлик моддаларидан тайёрланмоқда.

Табиатнинг тайёр яшил дориларига Ўзбекистонда ҳам эътибор катта. Чунончи, мамлакатимизда турли-туман доривор ўсимликларни етиштирувчи махсус хўжаликлар ташкил этилганлиги ҳам шундан далолат беради. Бу борада Тошкент Ботаника боғида доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Ботаника боғида 200 га яқин ҳар хил дарахт ва бута, 30 хилдан ортиқ ўт-ўлан ўстирилмоқда. Шуларнинг 100 дан ортиқ хили доривор ўсимлик ҳисобланади.

Масалан, мазкур боғда 1949 йилдан бери Манъчжурия аралияси ўстирилаяпти. У Тошкент шароитида алоҳида парвариш талаб қилмайди, илдизидан яхши кўпаяди, сергул, кўп мева тугадиган беор ўсимлик. Унинг илдизидан тайёрланган дамлама оғир хасталикдан тузалаётган кишиларга тавсия қилинади, баъзи асаб касалликларини даволашда ҳам ёрдамчи восита сифатида қўлланилади, қон босимини пасайтиради.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0648. 123456